

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИРГАШЕВ ДИЛМУРОД ИКРОМОВИЧ

КОРХОНАЛАРДА ФОЙДАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
ТАҚСИМЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Иргашев Дилмурод Икромович

Корхоналарда фойданинг шаклланиши ва тақсимланишини бошқариш
тизимини такомиллаштириш..... 3

Иргашев Дилмурод Икромович

Совершенствование системы управления формированием и
распределением прибыли предприятия..... 25

Irgashev Dilmurod Ikromovich

Improvement of the management system for the formation and distribution of
profit of the enterprise..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work..... 52

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИРГАШЕВ ДИЛМУРОД ИКРОМОВИЧ

КОРХОНАЛАРДА ФОЙДАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
ТАҚСИМЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Iqt1132 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tseu.uz) ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Карлибаева Рая Хожабаевна**
иқтисодиёт фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тошмурадова Бувсара Эгамовна**
иқтисодиёт фанлар доктори, профессор
Хамидулин Михаил Борисович
иқтисодиёт фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.3/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунлари тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси)

М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

С.К. Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳонда йирик компанияларнинг даромадлилик кўрсаткичини ошириш, уларнинг акциялари қийматини ва бозор капиталлашув даражасини юксалтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Жумладан, ушбу рейтингда етакчилик қилувчи «Apple» компанияси ижобий молиявий натижаларни кўрсатди. Унинг даромади 2020 йилда 365 миллиард долларга етиб, ўз фойдасини аввалги йилга нисбатан 100 миллиард долларга оширишга муваффақ бўлди. Натижада, компаниянинг бозор капиталлашуви 2,66 триллион долларни ташкил этиб, қимматли қоғозлар даромадлилиги йил давомида 31% га ошган. «Samsung» компаниясининг операцион фойдаси 2020 йилда 32,1 миллиард долларни ташкил этиб, 29,62 фоизга ошган. Компаниянинг ушбу йилдаги умумий савдоси 161,9 миллиард долларга етиб, 2,78 фоизга ошган»¹. Шундай экан, юқори даромадга эришишда корхоналар фойдасининг шаклланиши ва уни оқилона тақсимлашда самарали бошқарув тизимини яратилганлиги жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Жаҳонда корхоналар фойдасининг шаклланиши ва тақсимланишини бошқариш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда жорий активлар таркибидаги муомала фондларини камайтириш орқали молиявий эксплуатацион эҳтиёжларни минималлаштириш, соф фойда кўрсаткичи негизида интенсив иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган бошқарув қарорларини қабул қилиш, акциядорлик жамиятлари фойдасини самарали бошқаришнинг асосий мезонларини белгилаш, соф фойдани таркибий элементи сифатида тақсимланмаган фойда ҳисобига ички молиявий захираларини ошириш, дивиденд сиёсатини оптималлаштириш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ўзгаришлар шароитида акциядорлик жамиятлари фаолият юритишининг янги механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, улар билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги шаклига ўтказиш, барча ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатадиган, шу жумладан иқтисодий фаолият натижалари сифатида фойдани шаклланиши ва уни оқилона тақсимлаш механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Акциядорлик жамиятлари фойдасини шакллантириш ва тақсимлаш жараёнларини бошқариш, бугун тез ўзгарувчан бозор омиллари шароитида тизимли тавсифга эга эмаслигини кўрсатмоқда. Бу каби ҳолатларни ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналаримиз фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Бундан ташқари, комплекс «фойда» категориясидаги назарий талқинларнинг хилма-хиллиги, фойданинг иқтисодий категория сифатидаги функционал вазифаларига хос полисемантик тавсифдаги қарашлар, замонавий бозор шарт-шароитларига хос ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда фойдани шакллантириш ва тақсимлаш тизимининг умумий

¹ <https://finance.rambler.ru/business/45698585-nazvana-operatsionnaya-pribyl-kompanii-samsung-electronics-za-2020-god/>

методологик тамойилларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори айнан ёғ-мой тармоғида самарали бошқарув тизимини жорий этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шу муносабат билан корхоналар бошқарувининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдани шаклланиши ва тақсимланишини бошқариш бўйича тадқиқотларнинг долзарблиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сон «Иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари шунингдек, 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналар фойдасини бошқаришнинг илмий-назарий ва ташкилий-иқтисодий асосларини қамраб олувчи тадқиқотлар қатор хорижий олим ва мутахассислар, жумладан, М.Блауг, Т.Манн, Ж.Кольбер, Ч.Деванант, У.Петти, А.Смит, Д.Риккардо, С.Жевонс, С.Менгер, Э.Бем Баверк, Л.Валрас, Ж.Кларк, Р.Кантильон, М.Фужита, Ш.Вебер, Т.Веблен, К.Макконел, С.Брю, Ф.Найт, Р.Брейли, С.Майерс ва Й.Шумпетернинг илмий тадқиқотларида кенг ўрганилган².

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан В.Бочаров, Л.Бернстайн, И.Бланк, Т.Керанчук, Т.Ковалева, В.Ковалёв, В.Леонтёв, В.Мануйленко,

² Блауг М., Веблен Т. 100 великих экономистов до Кейнса—Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. - СПб.: Экономикс, 2008. - 352 с.; Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: Учебник 1-здан. - М.: Инфра-М, 2014. - 916 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Эксмо, 2007. - 960 с. Fujita M. Thünen and the New Economic Geography. RIETI Discussion Paper Series 11-E-074 (2011). Фуджита М., Вебер Ш. Иммиграционные квоты в глобализованной экономике // Журнал Новой экономической ассоциации. 2010. № 7. 10-23 с.; Найт Ф.Х. Риск, неопределенность и прибыль: пер. с англ. - М.: Дело, 2003. - 360 с.; Брейли Р. Майерс С. Причины корпоративных финансов: пер. с англ. - М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 1997. - 1120 с.; Шумпетер Й. История экономического анализа. - СПб.: Экономическая школа, 2001. «Parag Pathak, Clark Medalist 2018». American Economic Association. Retrieved 20 April 2018. R.Cantillon «Essai sur la Nature du Commerce en Гийна» // Part I, Chapter XIII, 1755.

Н.Селезнева, А.Ионова, А.Шеремет, Г.Шмален ва бошқалар томонидан ўрганилган³.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан К.Ахмаджанов, А.Ваҳобов, Д.Зайналов, Р.Карлибаева, М.Хамидуллин, О.Иминов, О.Олимжонов, Б.Хасанов, М.Пардаев, К.Шарифхўжаева, Т.Саттаров, Х.Қурбонов, Б.Ташмуродова, М.Тўлаходжаева, С.Элмирзаев, Н.Жиянова, С.С.Алиева ва бошқалар фойдани бошқаришнинг илмий-амалий асослари ривожланишига катта ҳисса қўшган⁴.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари, бу борада олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан корхоналарда фойданинг шаклланиши ва тақсимланишини бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур ҳолат диссертаци ишида тадқиқ этилган илмий-амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корхоналарда фойданинг шаклланиши ва тақсимланишини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«фойда» категориясига оид иқтисодий мактаб намоёндаларининг назарий талқинларини тадқиқ қилиш, умумлаштириш асосида фойдани бошқаришнинг замонавий концепцияларини тизимлаштириш;

³ Бочаров В.В., Леонтьев В.Е. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2008. - 424 с.; Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности: теория, практика и интерпретация: пер. с англ. // Научн. ред. перевода чл. - корр. РАН Елисева И.И. – М.: Финансы и статистика, 1996. - 333 с.; Бланк И. . Управление прибылью. – К.: Изд-во «Ника-Центр», 2007.-768 с.; Керанчук Т.Л. Концепція вартісно-орієнтованого управління підприємством та можливості її адаптації в Україні // Фінанси України. 2011. № 7.; Ковалева Т.М. Финансы и кредит: электрон. учеб. курс/под ред. Ковалевой Т. – М.: 2010. - 533 с.; Мануйленко В.В. Экономическая сущность, виды и функции прибыли хозяйствующего субъекта: современный аспект. // Финансовая аналитика: проблемы и решения. 2012. № 33. - 2-11 с.; Селезнева Н.Н., Ионова А.Ф. Финансовый анализ. Управление финансами. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 295 с.; Леонтьев В.Е., Бочаров В.В. Финансовый менеджмент. – М.: Элит, 2005. - 304 с.; Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Финансы предприятия. – М.: ИНФРА, 2008. - 343 с.; Шмален Г. Основы и проблемы экономики предприятия: пер. с нем. / Под. ред. проф. Поршнева А.Г. – М.: Финансы и статистика, 2007. - 512 с.

⁴ Зайналов Д.Р, Саттаров Т.А. Проблема обеспечения финансовой стоимости предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011. - 239 с.; Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари. Монография. – Т.: LESSON PRESS. – 174 б. (252 б.); Хамидуллин М.Б. Повышение инвестиционной привлекательности и активизация участия акционерных обществ на рынках капитала // Новые тенденции в экономической науке и образовании. – М.: Монография, 2014. - 148 с.; Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари. Монография. – Т.: LESSON PRESS, 2018 й. - 66-71 бетлар; Шарифходжаева К.У. Направления дальнейшего развития кредитования и предоставления банковских услуг в Республике Узбекистан. Молодой учёный, 2016. - №13. - 546 с.; Саттаров Т.А. и др. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. – Т.: SHARQ, 2011. - 232 с.; Қурбонов Х.А. Корпоративные финансы. – Т.: Iqtsod-moliya, 2007. - 184 с.; Элмирзаев С.Э. Организационные характеристики и вопросы совершенствования дивидендной политики. Электронный журнал. «Международные финансы и бухгалтерский учет». 2016. №2.

замонавий шароитга мувофиқ акциядорлик жамиятларида фойдани бошқаришнинг мақсади, вазифалари, умумий ва хусусий тамойилларини тавсифлаш;

соф фойданинг самарали шаклланишида акциядорлик жамиятларининг актив ва пассивларни мувозанатли бошқаришга таъсирини комплекс баҳолаш;

акциядорлик жамиятларида фойданинг шаклланиш манбалари ва уни бошқариш амалиётини таҳлил қилиш;

операцион фойда омилининг акциядорлик жамиятлари реал бозор қийматига таъсирини тадқиқ қилиш ва баҳолаш моделини ишлаб чиқиш;

акциядорлик жамиятларида фойдани бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда дивиденд сиёсатини оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни тизимлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини акциядорлик жамиятларида фойданинг шаклланиши ва тақсимланишини бошқариш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий билишнинг илмий абстракциялаш, кузатиш, гуруҳлаш, таққослаш, корреляцион, регрессион таҳлил ва иқтисодий-математик моделлаштириш сингари назарий ҳамда эмпирик усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жорий активлар таркибидаги дебиторлик қарзлар ҳолати ва пул маблағлари сарфини оптималлаштириш, муомала фондларини камайтириш асосида молиявий эксплуатацион эҳтиёжларни минималлаштириш орқали акциядорлик жамиятлари рентабеллигини ошириш таклифи асосланган;

“Янгийўл ёғ-мой” акциядорлик жамиятида соф фойданинг йиллик ўсиши (T_{cf}), маҳсулот реализациясидан тушумнинг йиллик ўсиши (T_m) ва активларнинг йиллик ўсиши (T_a) ўртасидаги ўзаро функционал боғлиқликнинг $T_{cf} > T_m > T_a > 100$ қоидасига мувофиқлигини таъминлаш бўйича тавсиявий меъёрлари таклиф этилган;

узоқ муддатли шартномаларда даромадларни амалдаги тахминий маълумотномалар асосида эмас, бевосита бажарилган ишлар (натижалар) даражаси ҳамда амалга оширилган харажатлар (сарфланган ресурслар) ҳиссаси асосида аниқлаш таклиф этилган;

акциядорлик жамиятларида дивиденд тўлаш амалиётини «тизимли парадигма», «дивиденд ва реинвестиция коридори», «соф фойда базаси ва тўловлар частотаси» ва «ахборотлар шаффофлиги» мезонлари асосида баҳолашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жорий активлар таркибида муомала фондларини камайтириш орқали молиявий эксплуатацион эҳтиёжларни камайтириш натижасида жорий мажбуриятларни қисқартириш пировардида соф фойдага салбий таъсир этувчи молиявий харажатларни камайтириш бўйича амалий тавсиялар берилган;

соф фойда кўрсаткичи негизида интенсив иқтисодий ўсишни тушум ва активларнинг йиллик динамик ўсиши орқали таъминлашга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш модели асосида самарали молиявий бошқарувнинг оптимал мезонлари ишлаб чиқилган;

ички молиявий захиралар ҳисобига активлар ва тушумнинг ошиш коэффициентини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда ҳамда рентабелликни оптимал бошқариш блок-схемаси тизимлаштирилган;

стратегик контекстда фойдани оширишнинг мувозанатли кўрсаткичлар билан уйғунлашган ҳолда фойдани комплекс бошқариш тизими элементлари ҳамда акциядорлик жамиятларида самарали дивиденд сиёсатининг алгоритми блок-схемалари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Давлат статистика кўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда акциядорлик жамиятларида фойдани бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид янги илмий концепциялар, таклифлар тизимлаштирилганлиги ва улардан илм-фан тараққиётига хизмат қилувчи илмий тадқиқотлар учун илмий-назарий манба сифатида фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда тизимлаштирилган амалий тавсиялардан корхоналар фойдасини самарали бошқаришга оид корхоналарнинг иқтисодий ривожланиш дастурлари ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда муҳим амалий аҳамиятга эга услубий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхоналарда фойданинг шаклланиши ва тақсимланишини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

жорий активлар таркибидаги дебиторлик қарзлар ҳолати ва пул маблағлари сарфини оптималлаштириш, муомала фондларини камайтириш асосида молиявий эксплуатацион эҳтиёжларни минималлаштириш орқали акциядорлик жамиятлари рентабеллигини ошириш бўйича таклиф «Янгийўл ёғ-мой» АЖ фаолиятини 2021 йилда янада ривожлантиришга оид чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда ва «АЖнинг 2021-2022 йилларга мўлжалланган тараққиёт дастури»ни тузишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 16 июндаги КС/1-601-сон маълумотномаси). Натижада, дебиторлик қарзлар ва пул маблағларига жорий эҳтиёждан ортиқча резервларни қисқартириш ҳисобига пасивлар таркибида жорий кредиторлик қарзларини 2019 йилда 51,1 фоизга, номинал мазмунда 3,65 млрд. сўмга қисқартиришга эришилган;

соф фойданинг йиллик ўсиши (T_{cf}), маҳсулот реализациясидан тушумнинг йиллик ўсиши (T_m) ва активларнинг йиллик ўсиши (T_a) ўртасидаги ўзаро функционал боғлиқликнинг $T_{cf} > T_m > T_a > 100$ қоидасига мувофиқлигини таъминлаш бўйича таклифи «Янгийўл ёғ-мой» АЖ бошқарув қарорига киритилган. (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 16 июндаги КС/1-601-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, 2020 йилдан бошлаб корхонанинг бизнес стратегиясида тушумнинг ошишини таъминловчи янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш бозорини ўзлаштириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган;

узоқ муддатли шартномаларда даромадларни амалдаги тахминий маълумотномалар асосида эмас, бевосита бажарилган ишлар (натижалар) даражаси ҳамда амалга оширилган харажатлар (сарфланган ресурслар) ҳиссаси асосида аниқлаш бўйича таклифи «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти ҳисоб сиёсатига жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 16 июндаги КС/1-601-сон маълумотномаси). Бу таклифни амалиётга жорий этиш орқали, 2019 йилда автономия коэффиценти 0,76 ни ташкил қилган бўлиб, белгиланган норматив кўрсаткичдан 0,06 га юқори бўлиши ва молиялаштириш коэффиценти 3,11 ни ташкил қилиб, норматив кўрсаткичдан 2,11 га юқори бўлишига эришилган. Натижада корхоналарда тушумларни бажарилган ишларга мутаносиб равишда тан олиш имкониятини берган;

акциядорлик жамиятларида дивиденд тўлаш амалиётини «тизимли парадигма», «дивиденд ва реинвестиция коридори», «соф фойда базаси ва тўловлар частотаси» ва «ахборотлар шаффофлиги» мезонлари асосида баҳолаш бўйича таклифи «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 16 июндаги КС/1-601-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида, оддий акциялар бўйича барқарор дивиденд тўлаш амалиёти жорий қилиниб, 2019 йилдаги фаол дивиденд сиёсати натижасида битта оддий акциялар бўйича тўланган дивиденд 237,7 сўмни, яъни акциялар номинал қийматига нисбатан 84,95 фозини ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 4 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, бундан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, тўққизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Корхоналарда фойданинг шаклланиши ва тақсимланишини бошқариш тизимининг илмий-назарий асослари»** деб номланиб, унда фойданинг иқтисодий категория сифатидаги мазмуни, унга оид назарий ёндашувларнинг концептуал асослари, корхоналарда фойданинг шаклланиши ва тақсимланишини бошқаришнинг мақсади, вазифалари шунингдек, корхоналарда фойданинг шаклланиши ва тақсимланишини бошқаришнинг умумий ва хусусий тамойиллари тадқиқ этилган бўлиб, боб якунида тадқиқот юзасидан илмий хулосалар шакллантирилган.

Корхоналар фойдаси тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади ва ташкилот ходимлари фаолиятини рағбатлантиради. Фойданинг иқтисодий таркибини аниқлаш зарурати капиталистик ишлаб чиқаришни шакллантириш жараёнида вужудга келган.

Умуман, фойда назарияларини учта асосий гуруҳга ажратиш мумкин:


1. Компенсацион ёки функционал назариялар.
2. Фрикцион ва монополистик назариялар.
3. Илмий, техник ва инновацион назариялар.

Юқоридаги фойда ҳақидаги назарияларнинг умумий гуруҳланиши фойдага нисбатан шаклланган назарияларнинг қатъий мезонлари бўйича гуруҳланишини мужассамлаштирмаса-да, замонавий тенденциялар асосида фойдани оширишнинг ички ва ташқи омиллари контекстидаги хусусиятлари бўйича гуруҳлаш имкониятларига эга.

Фикримизча, фойдага иқтисодий категория сифатида қуйидагича таъриф бериш мумкин: Фойда тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти жараёнида мавжуд капиталдан омилкорлик билан фойдаланиш натижасидаги қўшилган қийматнинг хусусий капитал ҳажми ошишини таъминловчи қисмини ўзида мужассамлаштирувчи соф молиявий натижадир. Демак, фойда бир томондан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ички молиявий манбаи; иккинчи томондан, амалдаги қонунчилик нормалари ва концептуал ёндашувлар асосида бухгалтерия ҳисоби стандартларига биноан турли фаолиятдан олинадиган даромадлар уларга мувофиқ келувчи харажатлар орасидаги тафовутни ифодаловчи соф молиявий натижаларини умумлаштирувчи кўрсаткичдир.

Фойдани бошқариш жараёни бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор тамойиллар билан мос келиши зарур. Акциядорлик

жамияти фойдасини бошқариш тамойилларини таҳлил қилиш жараёнида қуйидагиларни изоҳлаш имконини беради (1-расм).



1-расм. Фойдани бошқариш тамойиллари⁵

Қабул қилинган тамойиллардан биринчиси, фойдага алоҳида бошқарув жараёни сифатида ёндашиш, шунингдек, бундай ёндашув акциядорлик жамиятида молиявий бошқарувнинг бутун мажмуаси билан бевосита боғлиқ жараён эканлигини эътиборга олиш лозим. Бу омил даромадни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнини тушунишда ҳисобга олиниши керак. Шу билан бирга фойда ҳажмини ошириш ҳар қандай ҳолатда ҳам бозор иқтисодиёти тамойиллари, қонуниятлари ва истъмолчилар манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Шундай қилиб, даромад даражасига таъсир қилувчи ҳар бир омил ўзгарганда, бошқарув қарорлари ўзгаришларга мос тарзда мослаштирилиши ва иложи бўлса, акциядорлик жамияти фаолиятининг ўзгарган муҳитининг фойда даражасига салбий таъсирини камайтириши керак. Қабул қилинган тамойилларнинг охириги қисми сифатида бошқарув қарорларини шакллантиришдаги комплекс хусусият – фойдани бошқариш бўйича қабул қилинган бошқарув қарорлари ва фойдани бошқаришнинг якуний мақсади ўртасидаги муносабатни назарда тутати. Бу ҳақиқат, барча операциялар фойда келтирмайди, бундан ташқари, баъзилари молиявий ресурсларнинг етишмаслигига олиб келиши ва йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин.

⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Корхоналарда фойданинг шаклланиши ва тақсимланишини бошқариш амалиётининг таҳлили» деб номланган бўлиб, бу бобда корхоналарда актив ва пасивларни мувозанатли бошқаришнинг соф фойдани самарали шаклланишига таъсири, фойданинг шаклланиш манбалари ва уни бошқариш амалиётининг таҳлили, шунингдек, операцион фойда омилининг акциядорлик жамиятлари реал бозор қийматига таъсирини баҳолаш тадқиқ қилинган.

Маълумки, активлар ва унинг оптимал таркибий тузилмаси соф молиявий натижа ҳисобланган фойдани миқдор ва сифат жиҳатдан ошириш имкониятларини мужассамлаштирувчи барқарор иқтисодий ривожланишнинг моддий негизини ташкил қилади. Акциядорлик жамиятлари барқарор иқтисодий ривожланиши молиявий салоҳият ортиб боришининг асосини ташкил қилади. Бундай ҳолатни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**«Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти активлари
ва унинг таркибий таҳлили⁶**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| Узоқ муддатли активлар, млн. сўм | 9121,8 | 8630,5 | 12592,5 | 13940,3 | 20619,9 | 17480,5 |
| Жорий активлар, млн. сўм | 14311,5 | 13707,9 | 20796,4 | 39069,8 | 58421,3 | 52841,4 |
| Жами активлар, млн. сўм | 23433,3 | 22338,4 | 33388,9 | 53010,1 | 79041,3 | 70321,9 |
| Жами активлар, %да | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Жами активларда узоқ муддатли активлар улуши, %да | 38,93 | 38,64 | 37,71 | 26,30 | 26,09 | 24,86 |
| Жами активларда жорий активлар улуши, %да | 61,07 | 61,36 | 62,29 | 73,70 | 73,91 | 75,14 |

Акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш хусусиятларига мувофиқ активлар таркибидаги жорий активлар улуши юқори салмоққа эга бўлиб, бу тенденция динамик равишда ошиб бормоқда. Хусусан, жами активлар 2015 йилда 23433,3 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб, бу кўрсаткич 79041,3 млн. сўмни ташкил қилган. Жами активлар таркибида жорий активларнинг номинал қиймати 2015 йилда 14311,5 млн. сўмни ташкил қилиб, жами активлардаги улуши 61,07 фоизни ташкил қилган.

Таҳлил қилинаётган йилларда бу кўрсаткич ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, 2019 йилда 58421,3 млн сўм, яъни жами активлар таркибидаги улуши 73,91 фоизни ташкил қилмоқда. 2020 йилга келиб, унинг ҳажми 52841,4 сўмга етган ва салмоғи 75,14 фоизга пасайган.

Узоқ муддатли активлар салмоғининг жами активлар таркибидаги пасайиб бориш тенденцияси кузатилган бўлса-да, номинал мазмунда ортиб борган. Лекин бу ўсиш суръати, жами активларнинг ўсиш суръатидан паст даражада бўлган.

⁶ Муаллиф томонидан «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти 2015-2020 йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

2-жадвал

«Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти капиталлари таркиби, млн.сўм⁷

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| Хусусий маблағлар | 14912,5 | 15672,3 | 22244,5 | 49672,2 | 59790,4 | 58229,5 |
| Қарз маблағлар | 8520,8 | 6666,1 | 11144,5 | 3337,9 | 19250,9 | 12092,4 |
| Жами пассивлар | 23433,3 | 22338,4 | 33388,9 | 53010,1 | 79041,3 | 70321,9 |
| Жами пассивларда хусусий маблағлар улуши, %да | 63,6 | 70,2 | 66,6 | 93,7 | 75,6 | 82,8 |
| Жами пассивларда қарз маблағлари улуши, %да | 36,4 | 29,8 | 33,4 | 6,3 | 24,4 | 17,2 |

2-жадвал маълумотларига кўра, жами пассивлар 2015 йилда 23433,3 млн. сўмни ташкил қилиб, шундан 14912,5 млн. сўм номинал миқдори хусусий маблағларга тўғри келган. Бу кўрсаткич 2019 йилда 59790,4 млн. сўмни, 2020 йилда эса 58229,5 сўмни ташкил этган. Натижада, жами пассивларда хусусий маблағлар улуши 2015 йилда 63,6 фоизни, бу кўрсаткич ўсиб бориш трендида 2019 йилда 75,6 фоизни, 2020 йилда эса келиб 82,8 фоизни ташкил қилган.

Муаллиф таҳлил қилаётган тармоқда фаолият юритувчи акциядорлик жамиятларида фойданинг асосий манбаини асосий фаолиятдан олинадиган фойда ташкил қилади (3-жадвал).

3-жадвал

«Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти асосий фаолият фойдаси ва унинг шаклланиши, млн. сўм⁸

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | |
|--|---------|---------|---------|---------|----------|---------|
| | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| Реализациядан соф тушум | 47007,2 | 43898,7 | 69114,6 | 85733,8 | 100987,3 | 97998,1 |
| Маҳсулот таннари | 37879,3 | 34633,4 | 51314,1 | 65703,5 | 68261,1 | 77347,9 |
| Ялпи фойда (ЯФ) | 9127,9 | 9265,2 | 17800,4 | 20030,3 | 32726,2 | 20650,1 |
| Давр харажатлари | 7048,6 | 6691,9 | 13716,1 | 17411,6 | 18726,1 | 16871,1 |
| ЯФдан давр харажатлари чегирилгандан сўнг соф молиявий натижа (+), зарар (-) | 2079,3 | 2573,3 | 4084,3 | 2618,7 | 14000,1 | 3779 |
| Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари | 751,7 | 620,3 | 3919,4 | 548,5 | 2120,5 | 758,4 |
| Асосий фаолият фойдаси | 2831,1 | 2793,6 | 9003,7 | 3167,3 | 16120,7 | 4537,4 |

Реализациядан тушумнинг 2015 йилги номинал миқдори 47007,2 млн.сўмни, асосий фаолиятнинг фойдаси 2831,1 млн. сўмни ташкил қилган. 2019 йилга келиб, маҳсулот реализациясидан тушум 100987,3 млн.сўмни, асосий фаолият фойдаси эса 16120,7 млн. сўмга етган. 2020 йилда глобал пандемиянинг таъсирида товарлар реализациясида пасайиш кузатилган. Натижада маҳсулот реализациясидан тушум 97998,1 млн.сўмга пасайган.

⁷ Муаллиф томонидан «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти 2015-2020 йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

⁸ Муаллиф томонидан «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти 2015-2020 йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

Юқори даражадаги таннарх харажатлари натижасида ялпи фойданинг номинал қийматида ҳам пасайиш кузатилиб, 20650,1 млн.сўмни ташкил қилган. Асосий фаолият фойдаси 2020 йилда 4537,4 млн.сўмни ташкил қилган.

2015 йилда маҳсулот таннархи 37879,3 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда тушум билан параллел равишда таннархнинг ҳам пасайиши кузатилиб, 34633,4 млн. сўмни ташкил қилган. Мазкур ҳолат табиий равишда маҳсулот ишлаб чиқариш суръати пасайиши натижасида таннарх харажатларининг ҳам пасайиши билан параллел равишда кузатилганлигидан далолат беради. 2017 йилда маҳсулот таннархи харажатлари 51314,1 млн. сўмни, 2018 йилда 65703,5 млн. сўм ва 2020 йилга келиб, бу кўрсаткич 77347,9 млн. сўмга етган. Шу билан бирга давр харажатларининг ҳам юқори улуши (2016 йилдан ўсиш суръати таъминланиб, 2020 йилда 16871,1 млн сўмни ташкил қилган) асосий фаолият фойдаси шаклланишига таъсир этмоқда. Давр харажатларининг ошиш суръатига таъсир этувчи унинг таркибий компоненти сифатида операцион харажатларнинг юқори улуши, акциядорлик жамияти харажатлари маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик тузилмасига юқори боғлиқ эканини ҳам ифодалайди.

Ишлаб чиқариш захираларининг ортиб бориши уни самарали бошқаришга йўналтирилган қарорлар қабул қилишни талаб этади. Чунки бу тенденция жорий активларнинг айланиш тезлиги ва рентабелликка салбий таъсир этувчи омил сифатида хизмат қилмоқда. Лекин бу омилнинг қай даражада таъсирини баҳолаш учун товар-моддий захиралар айланувчанлиги (T_I), реализациянинг рентабеллиги (R_{Os}), шунингдек, товар-моддий захиралар рентабеллиги (R_I) кўрсаткичлари асосида баҳоланувчи материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили амалга оширилади. Бунинг учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

$$R_I = R_{Os} \cdot T_I \quad (1)$$

Реализациянинг рентабеллигини ҳисоблаш қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$R_{Os} = \text{фойда} / \text{жами тушум} \cdot 100 \% \quad (2)$$

Товар моддий-захираларнинг айланувчанлигини қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$T_I = C_p / ((I_0 + I_1) / 2), \quad (3)$$

Бу ерда: C_p – маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, I_0 , I_1 – йил боши ва охирига товар-моддий захиралар қийматини ифодалайди.

«Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти мисолида товар-моддий захираларнинг рентабеллик коэффициенти 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, реализациянинг рентабеллиги кўрсаткичи 2019 йилга келиб, 13,5 фоизни, 2020 йилга келиб эса 8,6 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич таҳлил қилинаётган давр мобайнида 2018 йилда энг юқори кўрсаткични қайд этган. Лекин умумий тенденцияда ўсиш кузатилган. Товар-моддий захираларнинг айланувчанлиги 2020 йилда 2,9 ни ташкил қилиб, умумий тренд бўйича пасайиш кузатилган. Товар-моддий захиралар айланувчанлигига оид мазкур ҳолат реализациянинг рентабеллигига салбий таъсир этувчи омил сифатида хизмат қилишига асос

бўлган. 2018 йилда материал қайтими 2,08ни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан (1,85) 0,23 га ошиши қуйидаги натижани берган:

$$\Delta P(M_r) = \Delta M_r \cdot ROS_0 = 0,23 \cdot 10,2 = 2,34 \% (4)$$

4-жадвал

«Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамиятида товар-моддий захираларнинг самарадорлик кўрсаткичлари⁹

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | |
|--|---------|---------|---------|----------|----------|---------|
| | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| Соф тушум | 47007,2 | 43898,7 | 69114,6 | 85733,8 | 100987,3 | 97998,1 |
| Таннарх, | 37879,3 | 34633,4 | 51314,1 | 65703,5 | 68261,1 | 77347,9 |
| Моддий харажатлар | 23439,6 | 21584,8 | 37291,4 | 41164,9 | 51283,4 | 58269,3 |
| Соф фойда | 2 042,6 | 1 838,1 | 7 079,3 | 15 201,3 | 13 626,2 | 8428,2 |
| Товар-моддий захиралар қиймати | 10049,6 | 6538,1 | 12857,5 | 16442,5 | 23253,1 | 30951,4 |
| Товар-моддий захираларнинг ўртача йиллик қиймати | 8314,2 | 8293,9 | 9697,8 | 14650,0 | 19847,8 | 27102,3 |
| Материал қайтими, MR | 2,01 | 2,03 | 1,85 | 2,08 | 1,97 | 1,68 |
| $ROS = \text{фойда} / \text{жами тушум} \cdot 100\%$ | 4,3 | 4,2 | 10,2 | 17,7 | 13,5 | 8,6 |
| $T_I = Cp / ((I_0 + I_1) / 2)$ | 4,6 | 4,2 | 5,3 | 4,5 | 3,4 | 2,9 |
| $R_I = ROS \cdot T_I, \% \text{да}$ | 19,8 | 17,5 | 54,2 | 79,5 | 46,4 | 24,5 |
| $\Delta P(M_r) = \Delta MR * ROS_{\text{баз}}$ | | 0,1 | -0,8 | 2,3 | -2,0 | -3,9 |
| RI | 24,6 | 22,2 | 73,0 | 103,8 | 68,7 | 31,1 |

Материал қайтимининг 2018 йилда 0,23га ошиши рентабеллик кўрсаткичини 2,34 фоизга ўсишига олиб келган. Лекин 2019 йилда материал қайтимини -0,11 га пасайиши мулкый рентабелликни -1,95 фоизга камайишига таъсир этувчи омил бўлган. Бу ҳолат 2020 йилда ҳам кузатилган.

5-жадвал

«Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамиятида соф фойда ва унинг манбалари таҳлили¹⁰, млн. сўм

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | |
|----------------------------------|--------|--------|---------|---------|---------|---------|
| | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| Ялпи фойда | 9127,9 | 9265,2 | 17800,4 | 20030,3 | 32726,2 | 20650,1 |
| Асосий фаолиятнинг бошқа фойдаси | 751,7 | 220,3 | 4919,4 | 548,5 | 2120,5 | 758,4 |
| Асосий фаолият фойдаси | 2831,1 | 2793,6 | 9003,7 | 3167,3 | 16120,7 | 4537,4 |
| Молиявий фаолият фойдаси | -336,8 | -568,7 | -552,5 | 221,3 | 34,9 | 1725,8 |
| Умумхўжалик фаолиятдан фойда | 2494,2 | 2224,9 | 8451,2 | 3388,6 | 16155,5 | 6263,1 |
| Фавкулудда фойда ёки зарарлар | -274 | -227 | - | 14598,3 | - | 3557,7 |
| Солиқ тўлангунга қадар фойда | 2220,2 | 1997,9 | 8451,2 | 17986,9 | 16155,5 | 9820,8 |
| Соф фойда | 2042,6 | 1838,1 | 7079,3 | 15201,3 | 13626,2 | 8428,2 |

⁹ Муаллиф томонидан «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти 2015-2020 йиллик молиявий ҳисоботлари асосида ҳисобланган.

¹⁰ Муаллиф томонидан «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти 2015-2020 йиллик молиявий ҳисоботлари асосида ҳисобланган.

5-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2015-2017 йилларда молиявий фаолиятдан олинган даромадларга нисбатан харажатларнинг кўп бўлиши натижасида, бу фаолият зарар билан якунланган. Мазкур ҳолат асосий фаолият фойдасининг камайишига таъсир этган. 2020 йилга келиб эса 1725,8 млн. сўмлик молиявий фаолиятдан фойда олинган.

Диссертациянинг «**Корхоналарда фойданинг шаклланиши ва оптимал тақсимланишини бошқариш тизимини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида, корхоналарда фойданинг тақсимланишини бошқаришни такомиллаштириш, бунда, бошқаришнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш орқали рентабеллик кўрсаткичини оптималлаштириш йўллари ҳамда фойдани оптимал тақсимлашни бошқаришда дивиденд сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бозордаги кескин рақобат муҳити шароитида акциядорлик жамиятларининг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан улардаги фойданинг номинал қийматини оширишга эмас, балки унинг сифат кўрсаткичлари бўйича интенсив иқтисодий ривожланиш омилларини таъминлашга боғлиқ. Бунинг учун эса фойданинг динамик ўзгариши, кам харажатлар сарф қилиш орқали юқори кўшилган қиймат ҳосил қилиш жараёнида ўз ифодасини топади.


Бизнеснинг олтин қоидасига мувофиқ, интенсив иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган бошқарув қарорларини қабул қилиш қуйидаги модель талабларига асосланади:

$$T_{cf} > T_m > T_a > 100 \quad (5)$$

Демак, 1-формулага мувофиқ самарали бошқарув қарорларининг мезони сифатида фойданинг юқори йиллик ошиши (T_{cf}) маҳсулот реализациясидан тушумнинг йиллик ошишидан юқори бўлиши (T_m) ва тушумнинг йиллик ошиши активлар ҳажмининг йиллик ошишидан (T_a) юқори ўсиш тенденциясига эга бўлиши керак.

Фикримизча, соф фойданинг йиллик ошиш суръати тушумнинг йиллик ошиш суръатидан юқори бўлиши интенсив иқтисодий ўсишни таъминлаш йўналишидаги рентабеллик кўрсаткичлари яхшиланишига олиб келади. Мазкур ҳолат маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни максимал иқтисод қилиш ҳисобига таъминланади. Тушумнинг активларга нисбатан йиллик юқори ошиши эса бозордаги маҳсулот сотишдаги позициясини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришга авансланган капиталдан юқори самарадорликда фойдаланиш орқали таъминланади. Бу кўрсаткич активлар айланувчанлиги ошиб боришини ўзида мужассамлаштиради.

2-расм маълумотларидан кўришиб турибдики, «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамиятида тушум, соф фойда ва активлар ҳажмининг йиллик ошиш мезонларида бизнеснинг олтин қоидаси умумий тамойилларига риоя қилинмаган. Хусусан, соф фойда 2019 йилда йиллик ўсиш суръатига эга бўлиш ўрнига 89,64 фоизга мутаносиб равишда пасайиш кузатилган. 2020 йилда бу кўрсаткич умумий иқтисодий фаолликнинг йиллик пасайиш суръати билан параллел равишда пасайиб, 61,85 фоизни ташкил қилган. Активлар ҳажмининг йиллик ошиши эса мазкур даврда 112,4 фоизни ташкил қилган.



2-расм. «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамиятида тушум, соф фойда ва активларнинг йиллик ўсиш динамикаси, фоизда¹¹

Акциядорлик жамияти фойдаси унинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишидаги асосий омилдир. Шу муносабат билан акциядорлик жамияти олдида қўйилган асосий мақсад даромадни максимал даражада оширишдан иборат. Ҳозирги шароитда акциядорлик жамияти фойдасини бошқаришнинг назарий жиҳатлари, яъни фойда кўрсаткичларини шакллантириш ҳамда тақсимлаш механизми ва усуллари муҳим ҳисобланади.

Ички молиявий захиралар ҳажми ошишини ҳисоблаш активлар рентабеллиги (ROA) ва соф фойда ҳисобига йўналтирилувчи реинвестиция коэффиценти (K_{rein}) орқали қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$K_{intR} = (ROA \cdot K_{rein}) / (1 - ROA \cdot K_{rein}). \quad (6)$$

Ички молиявий захиралар ҳажмининг ошиш коэффиценти ички захиралардан молиялаштириш манбалари таркибини ўзгартирмай, акциядорлик жамияти эришиши мумкин бўлган маҳсулот реализациясининг максимал ошиш имкониятлари суръатини тавсифлайди. Реинвестиция коэффиценти (K_{rein}) қуйидагича ҳисобланади:

$$K_{rein} = (C\Phi - D\Phi) / C\Phi \quad (7)$$

Бу ерда: $C\Phi$ – соф фойда ва $D\Phi$ – реал тўланган дивиденд фондининг номинал қиймати.

Юқоридаги коэффицентларни «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти маълумотлари асосида ҳисоблаш мумкин.

б-жадвал маълумотларидан кўриши мумкинки, реинвестиция коэффиценти 2016 йилда 0,53 ни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2019 йилгача ўсиш тенденциясида давом этиб, 0,69ни, 2020 йилда эса нисбатан пасайиш кузатилиб 0,64 ни ташкил қилган. Ички молиявий захираларнинг ошиш коэффиценти 2014 йилда 0,04 ни, ушбу коэффицент 2020 йилга келиб эса 0,12 ни ташкил қилган. Хулоса шуки, акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация ҳажмини ички имкониятлари ҳисобига 2019 йилги салоҳияти бўйича 16 фоизга ошириш имкониятига эга. Шунингдек, дивиденд улуши пасайиб бориши ички молиявий захиралар коэффицентини ошириш имкониятларини яратмоқда.

¹¹ «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти 2015-2020 йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

«Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамиятида соф фойданинг тақсимланиши ва ички ўсиш захираларининг (K_{intR}) ҳисоб-китоби

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | |
|---|--------|--------|---------|---------|--------|
| | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| Соф фойда, млн. сўм | 1838,1 | 7079,3 | 15201,3 | 13626,2 | 8428,2 |
